

**ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ КОРРУПЦИЯГА ОИД
ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ФАОЛИЯТИНИНГ ХУҚУҚИЙ
АСОСЛАРИ****Абдулхаев Абдулхамид Абдумуталович**

Тезкор қидирув фаолияти кафедраси ўқитувчиси, подполковник

Тел: +99890 586-03-05

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7574862>

Аннотация: Ушбу мақолада ИИОларининг коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг тушунчаси ва турлари ҳамда ушбу фаолиятни тартибга солувчи норматив ҳуқуқий асосларнинг қўлланилиш тартиби акс эттирилиган. Шу билан биргаликда, коррупциявий ҳуқуқбузарликларининг олдини олиш ҳамда мансабдор шахсларнинг ваколатини суистеъмол қилиш тушунчалари ёритилган.

Калит сўз: коррупция, давлат, жамият, ҳуқуқбузарлик, профилактика.

Истиқдол йилларида Ўзбекистон Республикасининг ўзининг тараққиёт йўналишларини белгилаб олди. Мамлакатимизда коррупцияга қарши кураш борасида кенг ислохотлар амалга оширилди.

Коррупция – давлат ва жамият хавфсизлигига раҳна солувчи энг хатарли иллатлардан биридир. Чунки, коррупция чегара билмайди. Бу инсоннинг нафси билан боғлиқ жараёндир, шунингдек, айнан коррупция сабабли бошқа хавфли иллатлар шаклланишига йўл очилиши ҳеч кимга сир эмас. Давлатимиз раҳбари томонидан «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонуннинг имзоланиши айнан коррупция жиноятига қаратилган ишлар профилактикаси учун катта қадам бўлди десак ҳеч муболаға бўлмайди. Ушбу қонуннинг қабул қилиниши билан амалга оширилган чоратадбирлар натижасида Республикамиз бўйлаб бу жиноятнинг содир этилиш ҳолатлари сезиларли даражада камайганини гувоҳи бўлишимиз мумкин. Демократик жамият қуришнинг асосий шарти бўлган эркинлаштириш жамият ҳаётининг барча соҳаларида, айниқса иқтисодий ва сиёсий фаолиятда, бир томондан, ошкоралик, иккинчи томондан, ҳуқуқий асосда тартибга солинган ижтимоий-ҳуқуқий назорат ўрнатилишини талаб қилади. Шунинг учун ҳам ҳозирги кунда инсон ҳуқуқларини тўлиқ ҳимоя қилиш ҳамда барча жисмоний ва юридик шахсларнинг ошкора, очиқ фаолият кўрсатишини таъминлаган ҳолда, миллий хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ фаолиятни амалга ошириш соҳасида уни муайян даражада чеклаш билан жамиятда ижтимоий-ҳуқуқий назорат тизимини такомиллаштириш энг долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев таъкидлаганидек, “Халқимиз азалдан юксак қадрлаб келадиган ҳамма нарсадан устун қуядиган адолат туйғусини ҳаётимизда янада кенг қарор топтириш биринчи даражали вазифа экани”га алоҳида эътибор қаратмоқда. Жамиятимизда коррупция турли жиноятларни содир этиш ва бошқа ҳуқуқбузарлик ҳолатларига қарши курашиш уларга йўл қўймаслик жиноятга жазо албатта муқаррар экани тўғрисидаги қонун талабларини амалда таъминлаш бўйича қатъий чоралар кўриш зарурлигини таъкидланмоқда. 2017 йил 4 январдан Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонуни кучга кирганлиги муносабати билан коррупцияга қарши кураш фаолияти бўйича муҳим ҳуқуқий асос пайдо бўлди.

Мазкур қонун ижроси тўлиқ ва самарали таъминланиши учун 2017 йилнинг 2 февралда давлатимиз раҳбарининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор қабул қилинди. Ҳозирги кунда коррупция жамият ижтимоий ҳаётининг барча соҳалари билан узвий бўлган энг хавфли ва мураккаб ҳодисалардир[1].

Ҳозирги кунда жамият иқтисодий соҳасида қуйидаги даражаларда коррупция алоқалари намоён бўлмоқда. Биринчи даража – коррупциялашган мансабдор шахсларнинг давлат корхоналари ва тузилмаларида, жамоат корхоналарида, молия ва банк муассасаларида, мулк шаклидан қатъи назар, тадбиркорлик фаолияти субъектларида иқтисодий жиноятларни содир этиш, битимларни яшириш, жиноий даромадларни легаллаштириш, катта маблағларни нақд пулга айлантириб, келгусида конвертациялаш мақсадида уюшган жиноий тузилмаларнинг хуфиёна ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун сохта фирмалар тузишига, уларнинг рўйхатга олиниши ва фаолият кўрсатиши учун рухсат этишига ёрдам бериш. Иккинчи даражада – уюшган жиноий тузилмаларнинг ташкилотчилари ва раҳбарлари ҳокимият ва бошқарув органларининг мансабдор шахслари билан коррупция алоқаларидан қуйидаги мақсадларда фойдаланадилар: катта миқдордаги пул маблағларини, қимматбаҳо қоғозларни олиш билан боғлиқ жиноий хатти-ҳаракатларни амалга ошириш; экспорт квоталарини олишда манфаатларни кўзлаш ва ҳимоя қилиш; уюшган жиноий гуруҳлар, уюшмалар тасарруфида бўлган ва улар назорат қиладиган сохта фирмалар ва тижорат тузилмаларининг мақсадли давлат кредитлари, имтиёзлар ва бошқа устунликлар олишида ёрдам бериш; давлатга қарашли катта корхоналарнинг мулкларини хусусийлаштириш жараёнида давлат мулкани бошқариш ҳуқуқини жиноий йўналишдаги тижорат тузилмаларига бериш; ноқонуний равишда молия-хўжалик битимлари тузиш, банк операциялари ўтказиш, шунингдек ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш; давлат маблағларини сохта тадбиркорлик ҳамда хуфиёна бизнесга киритиш ва ҳ. к. Учинчи даражада коррупциялашган амалдорлар ўзлари ёки бошқа шахслар орқали уюшган жиноий тузилмаларнинг ташкилотчилари ва раҳбарларига қуйидагиларда ёрдам кўрсатадилар: жиноий тажовуз объектларини танлаш; жиноятларни режалаштириш, тайёрлаш, содир этиш ва уларнинг изини йўқотиш; уюшган гуруҳларни замонавий техник ва информацион воситалар билан таъминлаш; иқтисодий жиноятларни содир этишга қулай шарт-шароитлар яратиб бериш; уюшган жиноий тузилмаларнинг назорат ва таъсир қилиш соҳаларини кенгайтириш; жиноий маблағларни легаллаштириш ва уларнинг хавфсизлигини ҳамда самарадорлигини таъминлаш учун зарур бўлган маълумотларни бериш ва бошқа йўллар билан хизмат кўрсатиш.

Тўртинчи даражада – уюшган жиноий тузилмалар коррупция алоқалари бўлган ҳокимият ва бошқарув органлари давлат хизматчиларининг имкониятларидан ижтимоий назоратдан қутулишда, давлат назорат органларининг текширувлари, молиявий тафтиш ўтказишлари, уюшган жиноий тузилмалар содир этган иқтисодий жиноятларни аниқлаш борасида оператив қидирув, суриштирув ва тергов ҳаракатларини олиб боришга ҳамда суд тергови жараёнига турли хил шаклларда

аралашиш йўли билан қаршилик кўрсатишда фойдаланадилар. Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг маънавиятини кучайтириш, бу соҳада ҳаракат қиладиган одамлар ўзининг профессионал ва фуқаролик бурчини, ўз вазифасини қанчалик ҳалол ва сидқидилдан ижро этиши, ҳеч муболағасиз, бутун ҳокимиятнинг обрўси ва кишиларимизнинг адолатга ишончи қай даражада бўлишини белгилайди[2]. Бешинчи даражада коррупциялашган давлат амалдорлари уюшган жиноий тузилмалар назорат қиладиган ёки уларнинг ўзлари ташкил этган тадбиркорлик тузилмаларининг манфаатлари учун фойдали бўлган қонунлар, ҳукумат қарорлари ва бошқарувга оид ўзга қарорларнинг қабул қилинишини таъминлашга ҳаракат қиладилар. Шу сабаб Ўзбекистонда амалга оширилаётган парламент ислоҳотининг асосий мақсадларидан бири қонун чиқариш жараёнини демократлаштиришдир. Олтинчи даражада давлат органларининг мансбдор шахслари уюшган жиноий тузилмалар маблағларини расмий иқтисодга, сиёсий институтларга, оммавий ахборот воситаларига киритишга ёрдам бериш, унинг вакиллари сиёсий идоралар ва бошқарув тузилмаларига тавсия этиш ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига киритишга ҳаракат қиладилар. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрь кундаги мамлакатимиз парламенти – Олий мажлисга Мурожаатномасида таъкидлаганидек: Маълумки мамлакатимизда коррупцияга қарши самарали кураш олиб бориш мақсадида ушбу йўналишда алоҳида қонун қабул қилинди. Шу асосида аниқ мақсадларга қаратилган чора тадбирларни ўз ичига олган давлат дастури изчиллик билан амалга оширилмоқда Ана шундай ишларимиз натижасида шу йилнинг 9 ойида коррупция билан боғлиқ жиноятлар ўтган йилга нисбатан 33 фоизга камайди. Биз бундай натижаларни коррупцияга қарши кураш борасидаги узоқ ва давомли фаолиятимизнинг дастлабки самараси, деб қабул қилишимиз бу йўлда янада қатъий иш олиб боришимиз шарт» деб таъкидлаган. Давлат амалдорларининг коррупция алоқаларидан турли жамиятларда турли хил даражада фойдаланадилар. Кўпчилик мутахассислар жамиятда коррупциянинг асосан иккита, яъни юқори ва қуйи тури борлигини кўрсатадилар. Юқори коррупция давлат ҳокимиятининг олий органларида бўлиб, асосан у ёки бу қарорни қабул қилиш билан боғлиқ ҳолда, пастки коррупция эса фуқаролар ва юридик шахсларнинг ўз муаммоларини ҳал қилиш учун бевосита маҳаллий ҳокимият органларига мурожаат қилишлари билан боғлиқ ҳолда юзага келади[3]. Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, юқори коррупция ҳамма давлатларда мавжуд бўлиб, унга қарши доимо курашиб келинади. Пастки коррупция эса илгари собиқ Иттифоқ давлати таркибида бўлган мамлакатларда жуда кенг тарқалган ва уни ҳокимият тизимларини ислоҳ қилиш билангина ҳал қилиб бўлмайди. Пастки коррупция пастдан юқорига қараб ўзаро бўйсунуш тартибига эга бўлиб, юқори коррупцияни озиқлантириб туради. Мамлакатимизнинг келажаги ва обрў-эътиборини қадрлайдиган ҳар бир виждонли фуқаро бу таҳдидни эсда тутмоғи даркор. Ҳалол меҳнат қилиш, ўз билими, куч-ғайрати ва ижодий қобилиятини сарфлаш учун барқарор шарт-шароит бўлишини истайдиган, фарзандлари ва яқин кишилари келажакда ҳам демократик, фуқаролик жамиятида цивилизациялашган бозор муносабатларининг самараларидан тўлатўқис фойдаланишни орзу қиладиган ҳар бир

фуқаро, жиноятчилик ва коррупция йўлига ўз вақтида зарур тўсиқ қўйилмаса, бу иллатлар қандай аянчли оқибатларга олиб келиши мумкинлигини яхши англаб етмоғи лозим»[4]. Коррупция кишиларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таҳқирлайдиган салбий ҳодиса сифатида барча давлатларда мавжуд. Инсоннинг ривожланиши, ҳуқуқ ва эркинликларининг максимал даражада амал қилишига ёрдам берадиган қонун устуворлик қиладиган ҳуқуқий давлат коррупцияга қарши курашиш бўйича мақсадли сиёсатни амалга оширади.

Коррупциявий ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини чеклашга, қийноқ ёки инсон кадр-қимматини камситилишига, ёзишмалар, телефон сўзлашувлар, почта, телеграф ва бошқа хабарларни ошкор қилишга, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллардан ташқари эркин жой танлаш ва кўчиб юриш, уй-жой ва шахс дахлсизлигини чеклашга йўл қўйилмайди. Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш жараёнида ички ишлар органларининг ҳам ўрни беқиёс. Ҳаёт уларга қўйиладиган талабларни, яъни қонунга итоаткорликни узлуксиз ошириб бормоқда. Бу талаблар жамиятимиз ривожланишининг ҳозирги босқичида тобора кўпаймоқда. Чунки ички ишлар органлари олдида турган вазифалар кундан-кунга мураккаблашиб, кўп қиррали ва масъулиятли бўлиб бормоқда. Ички ишлар органлари ходимлари хизмат юзасидан турли ҳаётий вазиятларга дуч келадилар, турфа одамлар – ишчидан тортиб ашаддий жиноятчигача бўлган шахслар билан мулоқотга киришадилар. Бу эса улардан юксак даражадаги маданият, кенг дунёқараш ва зарур билимларга эга бўлиш ҳамда ҳушмуомалаликни талаб этади. Шунингдек, бугун ички ишлар органлари ходимлари аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини ошириш борасида ҳам тарғибот-ташвиқот ишларини амалга ошириши муҳим аҳамиятга эга. Зеро, «қонун устуворлигини таъминлашда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, фуқароларни қонунга ҳурмат руҳида тарбиялаш муҳим аҳамият касб этади»[5]. Ички ишлар органлари Ш.Х.Қушбоқов такидлаганидек ваколатлар билан тахминланган ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш функциялари, жамоат тартиби ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича ташкил этилган[6] тузилма бўлиб, ушбу орган ходимлари ҳуқуқбузарликларга қарши курашнинг олдинги сафларида бўлиб, ахлоқан бенуқсонлиги ва шахсий камтарлиги билан ажралиб туришлари керак. Уларнинг касбий ва шахсий хислатларига қўйиладиган талаблар мажмуи улар фаолиятидаги мазкур хусусиятлар билан боғлиқ.

References:

1. Исмаилов И. Коррупция ва унга қарши курашнинг асосий йўналишлари // Ҳуқуқ–Право–Law. – 1999. – № 3. – Б. 40–55; Исмаилов И. Уюшган ва коррупцион жиноятчиликни ўрганишнинг криминологик жиҳатлари // Ҳуқуқ–Право–Law. – 2004. – № 2. – Б. 44–46.
2. Каримов И. А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. – Т. 13. – Т., 2005. – Б. 189.

3. Набиев Т. У. Коррупция таърифи ва унга қарши кураш принциплари. / Экстремизм, терроризм, гуруҳий ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш муаммолари. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 1999. – Б. 101.
4. Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари // Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – Б. 90.
5. Ш.М. Мирзиёев Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови // URL – <http://uza.uz/oz/politics/onunustuvorligi-va-inson-manfaatlarini-taminlash-yurt-tara--07-12-2016>.
6. Қушбоқов Ш. ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ МУАССАСАЛАРИНИНГ ЮРИДИК ШАХС СИФАТИДАГИ ТУШУНЧАСИНИНГ ТАСНИФИ //Development of pedagogical technologies in modern sciences. – 2022. – Т. 1. – №. 4. – С. 58-63.